

ЭКОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Акбарова М.Х., Шокирова Г.
Фаргона давлат университети*

Олий таълим муассасалари ўқув режасидан ўрин олган ўқув фанлари шу жумладан, экология фанини ўқитиш жараёнида талабаларда таянч компетенцияларни таркиб топтириш устувор йўналиш саналади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим – талабаларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, келгусида касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олишни шакллантиришга йўналтирилган таълимдир.

Талабалар олий таълим муассасасини тамомлагандан сўнг, узлуксиз таълим тизимида ўқишини давом эттириш, келгусида мустақил ҳаёти давомида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, мазкур жараёнда дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Маълумки, олий таълим муассасалари зиммасига таълим-тарбия жараёни орқали талабаларда таянч компетенциялар, жумладан, коммуникатив, ахборот билан ишлай олиш, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, умуммаданий компетенциялар, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини таркиб топтириш вазифаси юклатилган.

Таълим-тарбия жараёнига компетенцияли ёндошув ўқитиш мақсадларига эришиш учун таълим мазмунини бойитиш ўқув жараёнини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш ва натижаларини таҳлил этишга имкон берадиган умумий тамойиллар йиғиндиси саналади.

Улар жумласига қуйидагиларни:

- Талабаларнинг мустақил ҳаётдаги турли фаолият ва йўналишлардаги муаммоларни ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалар, ўзларининг ҳаётий тажрибалари, кузатишлари, шахсий хулосаларига асосланиб ҳал этиш, зарурий ҳолларда талаб этиладиган фаолиятни бекаму-кўст бажариш қобилиятларини ривожлантириш;

- Экологик таълим мазмунини танлаш ва методик таъминотини яратишда талабаларнинг қизиқишларини орттириш, илмий дунёқарашини кенгайтириш, ахлокий, ғоявий-сиёсий, экологик муаммоларни ҳал этиш, дидактик жиҳатдан қайта ишланган ўзида талабаларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги кутилмаган вазиятларда қўллаш, ўзларининг ҳаётий тажрибалари, кузатишлари юзасидан илмий хулосалар чиқаришга имкон берадиган бўлишига эътибор қаратиш;

- Экологик таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда асосий мақсад талабаларда ДТС билан меъёрланган билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, шунингдек, ахборот билан ишлаш, коммуникатив кўникмаларни эгаллаш, математик саводхонлик, ижтимоий фаолликка эга бўлиш, ўқув муаммоларини мустақил ҳал этишга доир тажрибаларни эгаллашларига шароит яратиш;

- Таълим-тарбия жараёнининг натижалари мазкур жараённинг муайян босқичида эришилган натижалар, яъни талабалар томонидан компетенцияга асос бўладиган эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирилганлик даражаларига қараб баҳо берилади;

- Компетенцияли ёндошувда – ўқитиш мақсадлари талабалар томонидан ўз-ўзини англаш, таълим-тарбия жараёнида ўқув мақсадларига эришиш йўлларини тушуниш, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, талабаларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш орқали жамият ва мустақил ҳаётга мослашуви, ижтимоийлашуви каби устувор йўналишларни мўлжаллаш назарда тутилади.

Экология фанидан талабанинг компетенцияси – экология фани бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини кундалик ҳаётида дуч келадиган амалий ва назарий масалаларни ечишда фойдаланиш ва амалиётда қўлай олиш қобилиятидир.

Экология ўқитувчиси талабаларда юқорида қайд этилган таянч компетенцияларни таркиб топтириш мақсадида ўқув фани мазмунини таҳлил этиши, ўқитишнинг барча шакллари: машғулот, машғулотдан ташқари ишлар, экскурсиялар ва гуруҳдан ташқари машғулотларда олиб бориладиган ишларни тизим ва бир-бирига узвий равишда амалга оширишни лойиҳалаши лозим.

Кўйида экологияни ўқитишда талабаларда таянч компетенцияларни таркиб топтириш имкониятлари юзасидан фикр юритилади.

Экология ўқитувчиси коммуникатив компетенцияни таркиб топтиришни назарда тутган ҳолда экология машғулотларида талабаларнинг келгусида жамиятда мулоқотга киришиши учун зарур бўладиган оғзаки ва ёзма нутқни мукамал ўзлаштириши, ўз фикрини аниқ ва тушунарли баён этиш, дарслик ва кўшимча адабиётлардаги матн асосида мантиқий кетма-кетликда саволлар тузиш, саволларга ёзма ва оғзаки жавоб ёзиш, ўз ўртоқлари ва устозлар билан мулоқотда муомала маданияти меъёрларига амал қилиш, кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида гуруҳ аъзоларининг фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз фикрини баён эта олиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш, ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларига асосланган ҳолда ўз фикрини ҳимоя қилиш ва ишонтира олиш, машғулотларда ташкил этиладиган ўқув баҳслар ва турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур бўлган қарорларни қабул қила олиш, ўз она тили билан бир қаторда ҳорижий тилларни ўзлаштиришига замин яратиши лозим.

Талабаларда юқорида қайд этилган ўқув меҳнати кўникмаларининг таркиб топтирилиши учун ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш тавсия этилади.

Шуни қайд этиш керакки, экология машғулотларида дидактик ўйин технологиясининг конференция, матбуот конференцияси, ўйин машқлар, ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг кичик гуруҳларда ишлаш, командада ўқитиш, “арра” ёки “зигзаг”, “Биргаликда ўқиймиз” методлари, муаммоли таълим технологиясини “Ақлий ҳужум”, “Кейс-стади” методларидан фойдаланишда талабаларни билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш баробарида коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш имконияти мавжуд.

Талабаларда коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришда экологик кечалар ва танловлар муҳим аҳамият касб этади.

Экологияни ўқитишда коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришда талабалар томонидан ўқув топшириқлари ва ўқитувчининг саволларига ёзма ва оғзаки жавоб беришда таълим олаётган тил меъёрларига риоя қилиш, кичик гуруҳлар билан ишлаш жараёнида гуруҳ аъзоларининг жавобларини тинглай олиш ва ўз жавобини мантиқан баён қилиш, экологик атамаларнинг инглизча изоҳини айта олиш, ўрганилган мавзу юзасидан мантиқий кетма-кетликда берилган саволларга жавоб ёзиш, машғулотдан ташқари ишларда мактаб, маҳалла, жамоат жойлари, оилада, гуруҳда ўртоқлари билан маънавий-ахлоқий меъёрларга амалга қилган мулоқотга киришиш, инсоният, табиат, ўсимлик ва ҳайвонот оламига нисбатан инсонпарварлаштирилган муносабатни намоён қилиш, ўзи ва ўзгаларнинг саломатлигини асраш юзасидан эссе ва тақдимот тайёрлаш, “тенгдош-тенгдошга“ рукни асосида мулоқотга киришишларига эътибор қаратиш лозим.

Экология фани ўқитувчиси талабаларда ахборот билан ишлаш компетенциясини таркиб топтириш мақсадида мавзуга оид ўқув ва видеофильмлардан фойдаланиши, кўшимча адабиётлар ва интернет сайтларидаги маълумотларни саралаш, шу асосда талабаларга реферат, маъруза ва тақдимот материалларини тайёрлаш юзасидан топшириқларни бериш орқали уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириши учун машғулот, машғулотдан ташқари ишлар, экскурсиялар ва гуруҳдан ташқари машғулотлардан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиши зарур.

Экология ўқитувчисидан талабаларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясини таркиб топтириш мақсадида талабаларнинг мустақил ишлари ва таълимига эътибор қаратиши, талабаларнинг ўз-ўзини баҳолаши учун мавзулар бўйича стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари базасини яратиши, уни компьютер хотирасига жойлаштириб адаптив тест топшириқларига айлантириши, шунингдек, талабалар билан ўтказиладиган маънавий дақиқаларида жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал камолотга эришишга йўналтириш талаб этилади.

Экологик таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялар, жумладан, талаба шахсига йўналтирилган технологиялардан фойдаланиш талабаларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясини таркиб топтириш имконини беради.

Табиат муҳофазасига оид кечалар, кўкаламзорлаштириш тадбирлари, таниқли ёзувчилар ва олимлар билан учрашувлар ўтказиш талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини таркиб топтиришга замин тайёрлайди.

Талабалар билан ўтказиладиган мавзули кечалар, тадбирлар, учрашувлар, шанбаликлар талабаларда умуммаданий компетенцияларни таркиб топтиришда муҳим рол ўйнайди.

Юқорида қайд этилган фикрлар экологияни ўқитишда талабаларда таянч компетенцияларни таркиб топтиришга замин тайёрлайди.

Экологияни ўқитишда ўқитувчи талабаларда таянч компетенциялар билан бир қаторда экологик компетенцияларни таркиб топтириш ва ривожлантиришни назарда тутиши лозим.

Экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанини ўқитишда экологик компетенциялар гуруҳига қуйидагилар киритилади:

1. Экологик объектларни таниш, уларда содир бўладиган жараёнларни тушуниш ва изоҳлаш компетенцияси;

2. Экологик объект, жараёнлар устида кузатиш ва тажрибаларни ўтказиш компетенцияси;

3. Соғлом турмуш тарзи ва экологик компетенция;

Экология ўқитувчиси экологияни ўқитишнинг барча шакллари: машғулот, машғулотдан ташқари ишлар, экскурсиялар ва гуруҳдан ташқари машғулотларда талабаларда таянч ва экологик компетенцияларни таркиб топтириш ва ривожлантириш жараёнини яхлит ва тизим ҳолида тасаввур қилиши лозим.

Экология ўқитувчиси экологияни ўқитишда компетенциявий ёндашувни амалга оширишда таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўллари билиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, экологияни ўқитиш жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш орқали билимларни онгли ўзлаштириш ва амалиётда қўллашга эришиш компетенциявий ёндашувни амалга оширишнинг муҳим шarti саналади.

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИ ТУРЛИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Махмудова Хурматой - ассистент
xurmatoymaxmudova48@gmail.com*

Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

Долзарблиги. Бугунги кунимизда таълим тизимида экологик таълимни ривожлантиришнинг асосий тамойилларини белгилаш, уларни изчиллик билан босқичма-босқич таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиш ва шу асосида экологик таълимнинг самарадорлигини янги босқичларга олиб чиқишда бир қанча муаммолар кўзатилмоқда. Экологик таълим-тарбия беришни, экологик билимларни тарғиб қилишни, кўрик-танловлар ўтказишни, ижтимоий реклама ва шу кабиларни ташкил этиш зарурдир. Таълим дастурларини мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш ва замон талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, таълим олувчиларнинг эътиборини умумбашарий